# УЛКАН „ОҚ ОЛТИН" ХИРМОНИ УЙГАН АЗАМАТ, ҚАҲРАМОН ПАХТАКОРЛАРГА МИНГ ОФАРИН!

## ПАРТИЯ, ҲУКУМАТ, ВАТАН ҚУТЛОВИ МЕҲНАТДА ЯНГИ ЗАФАРЛАРГА ЧОРЛАЙДИ.

*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

21 ЙИЛ ЧИҚИШИ. № 221 (5314). | 12 ноябрь, 1974 йил • СЕШАНБА | Баҳоси 2 тийин.

**Узбекистон Компартияси Қорақалпоғистон область комитетининг секретари ўртоқ Қ. КАМОЛОВГА
Қорақалпоғистон АССР Олий Совети Президиумининг раиси ўртоқ Д. ЕШИМБЕТОВГА
Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советининг раиси ўртоқ Е. АЙТМУРОТОВГА**

Қорақалпоғистон колхозчилари, совхоз ишчиларини, механизаторларини, мутахассисларини, қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги, тайёрлаш ташкилотларининг барча ходимлари, партия, совет, касаба союз ва комсомол ходимларини катта меҳнат ғалабаси — давлатга пахта сотиш юзасидан олинган социалистик мажбуриятларининг бажарилиши билан қизғин табриклайман.

Қорақалпоғистон Автоном республикасининг меҳнаткашлари мамлакатни пахта ва шоли билан таъминлашга йил сайин анча кўп ҳисса қўшмоқдалар ва улар келгусида ҳам қишлоқ хўжалигининг ана шу муҳим тармоқларида янги марраларга эришувларига шак-шубҳа йўқ. Ўртоқлар, беш йилликнинг пахта, шоли ва бошқа ҳамма қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириб, давлатга сотиш юзасидан белгиланган топшириқларини муваффақиятли бажаришингизни тилайман.

Л. БРЕЖНЕВ.

**Узбекистон Компартияси Сирдарё область комитетининг секретари ўртоқ В. А. ХАЙДУРОВГА
Меҳнаткашлар депутатлари область Совети ижроия комитетининг раиси ўртоқ И. ҚУЧҚОРОВГА**

Сирдарё областининг колхозчилари, совхоз ишчилари, механизаторлари, мутахассисларини ва қишлоқ хўжалиги ҳамда сув хўжалиги, тайёрлаш ташкилотларининг барча ходимларини, партия, совет, касаба союз ва комсомол ходимларини катта меҳнат ғалабаси — давлатга пахта сотиш юзасидан олинган социалистик мажбуриятларнинг бажарилиши билан қизғин табриклайман.

Область пахтакорлари ҳосилнинг кўп қисмини машинада териб олаётганликларини, пахта етиштиришга бўлаётган сарфларни йил сайин камайтиришга эришаётганликларини қайд қилиб ўтиш қувончлидир.

Область қишлоқ хўжалик меҳаткашларининг келгуси йилда пахта, дон, полиз экинлари ва деҳқончиликнинг бошқа маҳсулотларидан янада кўпроқ ялпи ҳосил етиштиришга эришишларини, чорвачилик маҳсулдорлигини оширишларини ва беш йиллик планнинг қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ривожлантириш ҳақидаги топшириқларини тўла ва оширив бажаришни таъминлашларини истайман.

Л. БРЕЖНЕВ.

## ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИГА
## ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИГА
## ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИГА

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Совети Узбекистон колхозчилари, совхоз ишчилари, механизаторларини, қишлоқ ва сув хўжалиги мутахассисларини, олимларини, тайёрлаш ва транспорт ташкилотлари ходимларини, партия, совет, касаба союз ва комсомол ходимларини, барча меҳнаткашларини катта меҳнат ғалабаси — давлатга пахта сотиш юзасидан олинган социалистик мажбуриятларнинг бажарилиши билан самимий табриклайдилар.

Ўзбекистон пахтакорлари давлатга 5,2 миллион тонна пахта сотдилар. Шунча миқдордаги пахта биринчи марта тайёрланди. Бу — КПСС XXIV съездининг мамлакат қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва совет халқининг фаровонлигини юксалтириш ҳақидаги қарорларини муваффақиятли суратда амалга ошириш ишига қўшилган катта ҳиссадир.

Республика колхоз ва совхозлари қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларини ҳам муваффақиятли суратда ривожлантирмоқдалар; дон, сабзавот, полиз экинлари, пилла, каноп, узум ва мева тайёрлаш халқ хўжалик планлари ошириб бажарилди.

Совет халқи ана шу ажойиб меҳнат ғалабаси билан фахрланади. Бу ғалаба колхоз ва совхоз далаларида илғор тажриба ҳамда фан ютуқларини кенг кўламда жорий қилиш, республика пахтакорларининг маҳорати ўсганлиги, шаҳар ва қишлоқлардаги барча меҳнаткашларнинг жуда катта ғайрат-шижоати туфайли, партия ташкилотлари, совет органларининг қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши самарадорлигини ошириш йўлидаги катта ташкилотчилик ишлари натижасида қўлга киритилди.

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Совети Ўзбекистон меҳнаткашлари эришилган натижаларни мустаҳкамлайдилар ва қишлоқ хўжалигини интенсивлаштириш асосида, суғориладиган деҳқончиликнинг катта резервларидан фойдаланиб, пахта, дон, сабзавот етиштиришни кўпайтиришда, чорвачиликни ривожлантиришда каттадан-катта муваффақиятларга эришадилар, беш йиллик планининг барча қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш ва тайёрлаш ҳақидаги топшириқларини муваффақиятли суратда тўла ва ошириб бажарадилар, деб катта ишонч билдирадилар.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ | СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ | СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ

# ЎЗБЕКИСТОН ПАХТАКОРЛАРИНИНГ ЗАФАРИ

Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари КПСС XXIV съездининг қарорларини амалга ошираборив, сув танқислигининг оғир шароитларида пахтадан мўл ҳосил етиштирдилар, пахта теримини уюшқоқлик билан ўтказдилар ва давлатга пахта сотиш юзасидан олинган социалистик мажбуриятларни бажардилар.

Республика деҳқонлари Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил этилганлигининг 50 йиллигини нишонлаш учун социалистик мусобақани кенг авж олдириб, юбилей йилида камида 5 миллион тонна пахта сотамиз, деб ваъда берган эдилар. Улар ўз ваъдаларини шараф билан бажардилар.

Давлат Ўзбекистоннинг 5 миллион 200 минг тонна пахтасини қабул этди. Бу—халқ хўжалиги планида белгиланганидан 623 минг тонна ортиқдир. Пахтанинг 80 процентидан кўпи биринчи сортларга топширилди.

Ана шу меҳнат ғалабаси қаттиқ курашда қўлга киритилди. Сув танқислигининг таъсирини камайтириш учун қисқа вақт ичида 50 та насос станцияси ва канал қурилди, қарийб 420 километрлик суғориш каналларига бетон ётқизилди, суғориш вақтида коллектор ва зовурларда 10 мингта насос установкаси ва 2500 та қудуқ ишлаб турди. Шу билан бирга ғўза парваришида илғор тажриба кенг қўлланилди, сувнинг ҳар литридан мақсадга мувофиқ фойдаланилди.

Давлатга 606 минг тонна пахта сотган Андижон области, 558 минг тонна пахта сотган Фарғона области, 505 минг тонна пахта сотган Самарқанд области, 498 минг тонна пахта сотган Бухоро области, 451 минг тонна пахта сотган Тошкент области, 438 минг тонна пахта сотган Сурхондарё области, 431 минг тонна пахта сотган Хоразм области, 410 минг тонна пахта сотган Наманган области, 362 минг тонна пахта сотган Қашқадарё области, 352 минг тонна пахта сотган Қорақалпоғистон АССР, 332 минг тонна пахта сотган Сирдарё области ва 258 минг тонна пахта сотган Жиззах областининг хўжаликлари улкан пахта хирмони учун, юбилей муносабати билан олинган юксак социалистик мажбуриятларни бажариш учун умумхалқ курашига муносиб ҳиссаларини қўшдилар.

Республикадаги районларнинг кўпчилиги ғоят мўл ҳосил етиштирди ва мажбуриятларни бажаришда катта муваффақиятларга эришди. Шўрчи районидаги хўжаликлар давлатга 88 минг тоннадан ортиқ, Денов, Навоий, Ромитон, Ўрта Чирчиқ, Охунбобоев, Гурлан, Тўрткўл, Андижон, Ульянов районларидаги хўжаликлар 65—75 минг тоннадан пахта сотдилар.

Республика колхозчилари, совхоз ишчилари, қишлоқ ва сув хўжалиги мутахассислари деҳқончилик маданиятини оғишмай юксалтириш учун курашда зўр маҳорат намуналарини кўрсатдилар ва пахтадан мўл ҳосил етиштиришда жуда катта муваффақиятларга эришдилар. Ҳар гектар ердан ўрта ҳисобда 30 центнердан, республиканинг 22 районида 35—40 центнердан, Хоразм областида 41 центнердан пахта олинди.

(Давоми 2-бетда).

## ШРИ ЛАНКА РЕСПУБЛИКАСИНИНГ БОШ МИНИСТРИ МОСКВАДА

Совет ҳукуматининг таклифига биноан Шри Ланка республикасининг бош министри, мудофаа ва ташқи ишлар министри Сиримаво Р. Д. Бандаранаике 11 ноябрда расмий визит билан Москвага келди.

Шри Ланка республикаси ва Совет Иттифоқининг давлат байроқлари билан безатилган Внуково аэродромида бош министрни СССР Министрлар Советининг раиси А. Н. Косигин, СССР Ташқи ишлар министри А. А. Громико, СССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари И. В. Архипов, бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

Учиш майдонида фахрий қоровул саф тортиб турди ҳамда Шри Ланка ва Совет Иттифоқининг давлат гимнлари ижро этилди.

Пойтахт меҳнаткашларининг вакиллари олий меҳмонни кутиб олдилар. (ТАСС).




## ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ БУХОРО ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИГА, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ БУХОРО ОБЛАСТЬ СОВЕТИГА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Бухоро области пахтакорларини, қишлоқ хўжалиги, сув хўжалиги ва тайёрлов ташкилотлари ходимларини, партия, совет, касаба союзлари ва комсомол органларини, барча меҳнаткашларни катта ғалаба — давлатга пахта сотиш юзасидан юбилей йилига олинган социалистик мажбуриятлар бажарилганлиги билан самимий қутлайди.

Областнинг колхозлари ва совхозлари мўл ҳосил етиштирдилар. Йиғим-теримни уюшқоқлик билан ўтказмоқдалар ва тайёрлов пунктларига 500 минг тоннадан ортиқ, халқ хўжалиги планидагига нисбатан 40 минг тонна кўп пахта топширдилар. Бутун тайёрланган пахтанинг 90 проценти биринчи сортларга топширилди. 170 минг тонна ҳосил машиналарда териб олинди.

Бу ғалаба область пахтакорлари, механизаторлари, ирригаторларининг, барча меҳнаткашларининг фидокорона меҳнати натижаси, қишлоқда олиб борилган яхши ташкилотчилик ва сиёсий ишлар натижасидир.

Навоий, Қизилтепа, Олот ва Ғиждувон районларининг колхозлари ва совхозлари давлатга пахта сотиш юзасидан зиммаларига олган социалистик мажбуриятларини областда биринчи бўлиб бажардилар. Ромитон, Қоракўл, Вобкент ва Шофрикон районларининг деҳқонлари давлатга мажбурият ҳисобига пахта топширмоқдалар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Бухоро области қишлоқ хўжалигининг барча меҳнаткашлари бутун ҳосилни нобуд қилмай териб оладилар, қишлоқ хўжалик йилини муваффақиятли якунлайдилар, чорва моллари қишловини яхши ўтказадилар, беш йилликнинг тугалловчи йили ҳосили учун барча кузги-қишки ишларни ўз вақтида ва юксак сифатли бажарадилар, деб қатъий ишонч билдирадилар.

УЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ | УЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ | УЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ

## ЎЗБЕКИСТОН МИЛИЦИЯСИ 50 ЁШДА

10 ноябрда Навоий номли театрда совет милициясининг 57 йиллиги ва Ўзбекистон милициясининг 50 йиллигига бағишланган тантанали мажлис бўлди.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги КПСС ленинчи Марказий Комитети Сиёсий Бюроси мажлиснинг фахрий президиумига баланд руҳ билан сайланди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва республика Министрлар Советининг Ўзбекистон ССР ички ишлар министрлиги органлари ва бўлинмаларининг шахсий составига йўллаган табрикномасини мажлис аҳли давомли қарсаклар билан кутиб олди. Табрикномани Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари В. Г. Ломоносов ўқиб берди.

Совет милициясининг 57 йиллиги ва Ўзбекистон милициясининг 50 йиллиги тўғрисида Ўзбекистон ССР ички ишлар министри ички хизмат генерал-лейтенанти Х. Х. Яҳёев доклад қилди.

Йиғилиш иштирокчилари баланд руҳ билан КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советига табрикнома қабул қилдилар.

Тантанали йиғилишда КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюроси аъзолари ва аъзоликка кандидатлар С. Е. Белоножко, Н. М. Матчонов, М. М. Мусахонов, Т. Н. Осетров, Н. Маҳмудов, А. А. Хўжаев қатнашдилар. (ЎзТАГ).

